

«ТАСДИҚЛАНГАН»  
«QO'QON BIOKIMYO» aksiyadorlik jamiyati  
акциядорларининг 2020 йил  
28 ноябрдаги навбатдан ташқари умумий  
йиғилиши қарори билан

«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»  
Ўзбекистон Республикаси  
Капитал бозорини ривожлантириш  
агентлиги Фарғона вилоят ҳудудий  
бошқармаси бошлиғи

Кузатув кенгаши раиси

М.Р.Кенжаев



Х.А.Омонов

«07» декабрь 2020 йил № Малко-11 - сон



М.Ў.

**АКЦИЯЛАР ЯНГИ ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР**  
**«QO'QON BIOKIMYO» aksiyadorlik jamiyati**  
(эмитентнинг тўлик номи кўрсатилади)

Идентификация рақами  
берилди:

R	U	1	1	1	M	0	2	7	0	T	9
---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Номинал қиймати 1026 сўмдан бўлган 69 696 872 дона эгаси ёзилган оддий ҳужжатсиз  
акциялар

(акциялар тури ва сони, уларни чиқариш шакли, номинал қиймати кўрсатилади)

**Ёпиқ обуна усулида**

(акцияларни жойлаштириш усули кўрсатилади)

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши:

**11- чиқарилишдир**

(чиқарилишнинг тартиб рақами)

Тасдиқланган: **Жамият акциядорлари умумий йиғилиши**

(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаган органи кўрсатилади)

28 ноябрь 2020 йилдаги навбатдан ташқари акциядорлар умумий йиғилиши баёни

**Жамият акциядорларининг 28 ноябрь 2020 йилдаги навбатдан ташқари умумий  
йиғилиши қарори асосида**

(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилган органи кўрсатилади)

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили:  
Жойлашган манзили – **Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Муқимий, «Қўқон» эркин иқтисодий зона**  
Почта манзили – **Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Муқимий, «Қўқон» эркин иқтисодий зонаси**  
Индекс: **150700**. Электрон почта манзили – **kokandbiokimyo@uzvine.uz** телефон: – **73 515-41-00**.

Эмитентнинг раҳбари: **Абдуллаев Икром Исроилович**  
(Ф.И.Ш)


(имзо)

Бош ҳисобчи: **Мадалиева Мукамал Уруновна**  
(Ф.И.Ш)

(имзо)



Қимматли қоғозлар чиқарилишига доир ҳужжатларни тайёрлаш бўйича хизмат кўрсатган инвестиция  
маслаҳатчисининг номи: «Ishonch Ltd» масъулияти чекланган жамияти  
Инвестиция маслаҳатчиси билан тузилган шартнома рақами ва санаси: №4ИМ – сонли шартнома, 23.11.2020 йил.  
Инвестиция маслаҳатчиси раҳбарининг Ф.И.Ш: Қорабоев Одилжон Мухсинович



Сана: 28 ноябрь 2020 йил

(имзо)

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): **оддий**;
2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **хужжатсиз**;
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **1026 (бир минг йигирма олти) сўм**;
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **69 696 872 дона**;
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **71 508 990 672 сўм**;
6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:
  - **жамият акциядорлари реестрига киритилиш**;
  - **ўзи ҳақида депо ҳисобварағидан кўчирма олиш**;
  - **жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш**;
  - **акциядорлик жамияти тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш**;
  - **акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш**;
  - **жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш**;
  - **олган дивидендини эркин тасарруф этиш**;
  - **қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш**;
  - **ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш**;
  - **ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш**;
  - **қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга**.
  - **Акциядорлар қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин**.
7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставига ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

**Жамият уставига ушбу чиқарилишга нисбатан чеклашлар мавжуд эмас.**

**Акцияларни йириклаштириш амалга оширилаётганлиги сабабли ушбу чиқарилишдаги акциялар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг 24.11.2020 йил ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрида қайд қилинган акциядорлар ўртасида уларнинг акциялари сонига мутаносиб равишда жойлаштирилади.**
8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **71 508 990 672 сўм**.
9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

**Илгари ҳар бирининг номинал қиймати 1 (бир) сўм бўлган 71 508 990 672 (етмиш бир миллиард беш юз саккиз миллион тўққиз юз тўқсон минг олти юз етмиш икки) дона эгаси ёзилган оддий хужжатсиз кўринишдаги акциялар жойлаштирилган.**
10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

**Илгари жамият томонидан корпоратив облигациялар чиқарилмаган ва жойлаштирилмаган.**
11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби:
  - 11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):

*(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек акцияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади.)*

Акцияларни йириклаштириш амалга оширилаётганлиги сабабли ушбу чиқарилишдаги акциялар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг 24.11.2020 йил ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрида қайд қилинган акциядорлар ўртасида ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

*(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби;*

*Агар акцияларни жойлаштириш муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади.)*

Ушбу чиқарилишдаги акциялар, акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 15 (ўн беш) календарь кундан кечиктирмасдан жойлаштирилади. Бунда:

**Жойлаштиришни бошлаш санаси:** Акцияларнинг ушбу чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган сана;

**Жойлаштиришни тугатиш санаси:** Ушбу чиқарилишдаги энг охириги акция жойлашган сана, лекин акцияларнинг ушбу чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан 15 (ўн беш) календарь кундан кечикмасдан амалга оширилади.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

*(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган бозорлар.*

*Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштириш эмитентга акцияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда куйидагилар кўрсатилади:*

*тўлиқ ва қисқартirilган фирма номлари, жойлашган жойи;*

*профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;*

*ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охиригиси томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби.)*

Жамият акциядорларининг 28.11.2020 йилдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига кўра жойлаштирилган акцияларни устав капитали миқдорини ўзгартирмаган ҳолда худди шу типдаги акцияларнинг янги чиқарилишини амалга ошириш йўли билан йириклаштириш амалга оширилаётганлиги сабабли, мазкур чиқарилишдаги акциялар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган 2020 йил 24 ноябрь ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрида маълумотлари асосида реестрда қайд қилинган акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларга мутаносиб равишда жойлаштирилади. Бунда:

- «QO'QON BIOKIMYO» aksiyadorlik jamiyati ning past nominal қийматига эга аввал чиқарилган номинал қиймати 1 сўм бўлган 1026 дона оддий акциялари устав капитали миқдорини ўзгартирмаган ҳолда жамиятнинг янги чиқарилишдаги номинал қиймати 1026 сўм бўлган 1 дона акциясига айирбошланади. Айирбошлаш коэффициенти – 1026:1;
- Акцияларни йириклаштиришда касрий акцияларнинг пайдо бўлишига йўл қўйилмайди;
- Акцияларни жойлаштириш қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари бозорида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузмасдан амалга оширилади;
- Қимматли қоғозларни жойлаштиришда андеррайтерлар жалб қилинмайди.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

**Қимматли қоғозларни сақлаш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва инвестиция воситачилари томонидан амалга оширилади.**

***Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси тўғрисида маълумот:***

**Тўлиқ фирма номи: «Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси» Давлат унитар корхонаси**

**Жойлашган жойи: 100077, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 107 уй.**

**Почта манзили: 100077, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 107 уй.**

**Телефон ва факс: 71 267-36-42.**

**Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси ўз фаолиятини «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.05.1999 йилдаги 263-сонли «Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийсини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида»ги Қарори асосида юритади.**

***Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачилари тўғрисида маълумот:***

**1.Тўлиқ фирма номи: “ISHONCH LTD” масъулияти чекланган жамияти.**

**Жойлашган жойи: 150100, Фарғона шаҳри, Қомус кўчаси, 40 уй.**

**Почта манзили: 150100, Фарғона шаҳри, Қомус кўчаси, 40 уй.**

**Телефон рақами ва факс: 73 244-30-37.**

**Инвестиция воситачиси фаолиятини амалга ошириш бўйича лицензия рақами: №1201, Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази томонидан 2010 йил 29 ноябрда берилган.**

**Лицензиянинг амал қилиш муддати: Лицензиянинг амал қилиш муддати чегараланмаган.**

**2.Тўлиқ фирма номи: «DEPOZITARIY FARG'ONA VAQT» масъулияти чекланган жамияти.**

**Жойлашган жойи: 150100, Фарғона шаҳри, С.Темур кўчаси 45-уй.**

**Почта манзили: 150100, Фарғона шаҳри, С.Темур кўчаси 45-уй.**

**Телефон: 90 290-62-58.**

**Инвестиция воситачиси фаолиятини амалга ошириш бўйича лицензия рақами: №1244, Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази томонидан 22.04.2013 йилда берилган.**

**Лицензиянинг амал қилиш муддати: Лицензиянинг амал қилиш муддати чегараланмаган.**

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

*(Жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:*

*бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);*

*жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;*

*жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби.)*

**Акцияларни йириклаштириш амалга оширилаётганлиги сабабли ушбу чиқарилишдаги акцияларга нисбатан имтиёзли ҳуқуқ қўлланилиши кўзда тутилмаган.**

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

*(акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.*

*Агар акцияларни жойлаштиришида акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, кўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.)*

**Акцияларни йириклаштириш амалга оширилаётганлиги сабабли жамиятнинг паст номинал қийматига эга аввал чиқарилган номинал қиймати 1 сўм бўлган 1026 дона оддий акциялари жамиятнинг янги чиқарилишдаги номинал қиймати 1026 сўм бўлган 1 дона акциясига айирбошланади. Акцияларни жойлаштириш янги номинал қийматда амалга оширилади.**

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

*(Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташкилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда).)*

*Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш-топириш далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:*

*баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;*

*баҳолош фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган.)*

**Жамият устав капитали миқдорини ўзгартирмаган ҳолда худди шу типдаги акцияларнинг янги чиқарилишини амалга ошириш йўли билан акцияларни йириклаштириш амалга оширилаётганлиги сабабли ушбу чиқарилишдаги акцияларга ҳақ тўлаш назарда тутилмаган.**

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

**Жамият устав капитали миқдорини ўзгартирмаган ҳолда худди шу типдаги акцияларнинг янги чиқарилишини амалга ошириш йўли билан акцияларни йириклаштириш амалга оширилаётганлиги сабабли ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда тўлов воситаларини қайтариш назарда тутилмаган.**

12. Эмитент томонидан Қимматли қоғозлар чиқарилиши (кўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

**Ушбу акциялар чиқарилиши билан боғлиқ ахборот қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда қуйидагича ошкор қилинади:**

- корпоратив ахборотлар ягона порталида: [www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)
- жамиятнинг корпоратив веб-сайтида: [www.kokandbiokimyo.uz](http://www.kokandbiokimyo.uz)
- фонд биржасининг расмий веб-сайтида: [www.uzse.uz](http://www.uzse.uz).
- бошқа оммавий ахборот воситаларида.

**Мазкур акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорнинг асл нусхаси билан барча манфаатдор шахслар Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Кўқон шаҳри, Муқимий, «Кўқон» эркин иқтисодий зонасидаги жамият жойлашган манзили бўйича иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача танишиши мумкин.**

**Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор нусхасини манфаатдор шахслар жамиятга ёзма мурожаат қилиб олишлари мумкин.**

13. Бошқа маълумотлар: **Бошқа маълумотлар кўзда тутилмаган.**



5 (Беш) Варақдан Иборат

ТИКИЛДИ,

РАҚАМЛАНДИ ВА

МУХРЛАНДИ

И.АБДУЛЛАЕВ

М.МАДАЛИЕВА

